

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРДИМУРАТОВ ЯНГИБОЙ АЛЛАМУРАТОВИЧ

**XX АСРДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АРЕАЛ ХЎЖАЛИК
МАДАНИЯТИ
(чорвачилиги мисолида)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Турдимуратов Янгибой Алламуратович XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида)	3
Турдимуратов Янгибой Алламуратович Ареал-хозяйственная культура Сурхан-Шерабадского оазиса в XX веке (на примере животноводства)	25
Turdimuratov Yangiboy Allamuratovich Areal economic culture of the Surkhan-Sherabad oasis in the XX century (on the example of livestock)	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications	51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 06.01.2018. Tar. 56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРДИМУРАТОВ ЯНГИБОЙ АЛЛАМУРАТОВИЧ

**XX АСРДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИ АРЕАЛ ХЎЖАЛИК
МАДАНИЯТИ
(чорвачилиги мисолида)**

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4. PhD/Таг.64 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uzhistory.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салимов Турсун Усарович
тарих фанлари номзоди, профессор в.б.

Расмий оппонентлар:

Зунунова Гулчехра Шавкатовна
тарих фанлари доктори

Қобилов Эшболта Атамуратович
тарих фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc. 06.01.2018. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри Шаҳрисабз кўчаси 5-уй, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти 2-қават Мажлислар зали. Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@uzhistory.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.С. Сагдуллаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

М.Х. Пайзиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.Х. Дониёров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ер юзида аҳоли сони муттасил кўпайиб, глобаллашув жараёнлари натижасида жаҳон хўжалик тизими интеграцияси тобора кучаймоқда. Жаҳон хўжалиги тараққиёти этник маданиятларнинг ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғланган бўлиб, умуминсоният цивилизацияси ютуқларининг ажралмас қисми ҳисобланган этник маданиятларни сақлаб қолиш жуда муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли этноэкологик атроф-муҳит ва хўжалик юритиш тизимида жадал ўзгаришлар содир бўлаётган ҳозирги даврда анъанавий хўжалик тизимларини ўрганиш ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Умуман олганда, хўжалик фаолиятининг ҳаёт учун кураш билан бевосита боғлиқлиги туфайли хўжалик маданиятини тадқиқ этиш ва ўрганиш ҳар доим долзарб бўлиб келган.

XX асрнинг 50-йилларида дунё фанида хўжалик фаолиятига маданият кўриниши сифатида ҳақиқий қизиқиш пайдо бўлди. Жумладан, дунёнинг қатор мамлакатларида маълум табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда шаклланган ҳамда авлоддан авлодга ўтиб келган этник анъаналарнинг хўжалик юритишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга бағишланган кенг миқёсдаги илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Зеро, этник анъаналарнинг хўжаликдаги ўрнини тадқиқ этиш аҳолининг этнохудудий жойлашуви бўйича у ёки бу ареал* хўжалик маданиятлар (хўжалик тизими ва типлари, уни юритишнинг усул ва йўллари) алоқаларини аниқ кўрсатиш имконини беради. Қолаверса, бугунги кунда жаҳон фани ва амалиётида органик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга атроф-муҳит ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг асосий усулларида бири сифатида қаралмоқда¹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда эркин бозор иқтисодиётига ўтилиши, унинг умумжаҳон иқтисодий ҳаётига интеграциялашуви қишлоқ хўжалигида ҳам янгича аграр муносабатлар шаклланишига олиб келди. Хусусан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилиб келинмоқда. Шунга кўра қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўзбек халқининг анъанавий хўжалик фаолиятини юритиш борасидаги ҳаётий бой тажрибаларга асосланган билимларини ва анъаналарини тадқиқ этиш, улардан амалий фойдаланиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади. “Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман,

* Ареал – латинча *area* майдон, макон – ўсимлик ёки ҳайвонларнинг бирор тури, туркуми ёки оиласи тарқалган жойлар.

¹ Органик қишлоқ хўжалиги – атроф-муҳитга зарар келтирадиган кимёвий воситалардан фойдаланмасдан, биологик хилма-хилликни асрайдиган, агроэкологикнинг санитария ҳолатини яхшилайдиган, тупроқ унумдорлигини оширадиган, инсонлар саломатлигини муҳофаза қиладиган ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ягона тизими. Қаранг: Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари. Атамалар ва таърифлар. Расмий нашр. – Т., 2016; Нурбеков А. и др. Органическое сельское хозяйство в Узбекистане: состояние, практика и перспективы. – Т., 2018.

бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди”². Шу сабабли мавзуга оид муаммоларни ҳал этишда тарихий-этнологик ва хўжалик тарихини, хусусан, турли табиий-географик шароитларда аҳолининг ареал хўжалик маданиятини ўрганишга доир тадқиқотларни олиб бориш зарур.

Мазкур диссертацион тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг “Яйловлар тўғрисида”ги Қонуни³, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁴ Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 ноябрдаги 257-сон “Чорвачиликда наслчилик, зоотехника ва илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁵ Қарори ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” ва V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” дастурларида белгиланган устувор йўналишларга мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотда тарихшунослик нуқтаи назаридан XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг чорвачилик хўжалигини тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган маълумотлар келтирилган адабиётлар 4 гуруҳга бўлинди: XX аср бошларига оид адабиётлар (1900–1920 йиллар), совет даври адабиётлари (1920–1991 йиллар), мустақиллик даври адабиётлари (1991–2018 йиллар) ва хорижий адабиётлар.

XX аср бошларига оид мавзу доирасидаги маълумотлар келтирилган адабиётлар айтарли даражада кўп бўлмай, мавжудлари ҳам асосан маълумот ва ҳисоботлар шаклида ёзилган*. Жумладан, А.Е. Снесарев, М.Н. Варыгин,

² Мирзиёев Ш.М. Халқимиз розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 64.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 20 майдаги ЎРҚ-538-сон “Яйловлар тўғрисида”ги Қонуни // www.lex.uz.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2841-сон “Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 16 августдаги ПҚ-4420-сон “Қорақўлчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари // www.lex.uz.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 ноябрдаги 257-сон “Чорвачиликда наслчилик, зоотехника ва илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // www.lex.uz.

* Маълумки, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирмаган Сурхон-Шеробод воҳаси бўйича 1900–1920 йиллардаги чорвачиликка оид архив ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида

А. Губаревич-Радобильский, С. Неустров, И.А. Ремез⁶ каби тадқиқотчиларнинг қайднома ва асарларида асосан Сурхон-Шеробод воҳасида боқиладиган чорва турлари ва уларнинг сони ҳақида маълумотлар келтирилган.

Совет даврида чорвачилик хўжалиги тарихий-этнографик аспектда ўрганилган илмий тадқиқот сифатида Х.Тошевнинг Ўрта Зарафшон воҳаси чорвадорлари маданияти ва турмуш тарзига бағишланган ишини мисол келтириш мумкин⁷. Бу даврда Ўзбекистон аҳолиси чорвачилиги тўғрисидаги аксарият маълумотлар тадқиқотнинг маълум бир қисми ва илмий мақолалар тарзида эълон қилинган. Жумладан, аҳолининг ХХ аср бошларидаги анъанавий машғулот турлари, савдо алоқалари, аҳоли хўжалигидаги чорва турлари ва сони ҳақидаги маълумотлар Н.Г. Борозна, Б.Х. Кармышева, К.Ш. Шониёзов, И. Хидоят⁸ сингари этнограф олимларнинг тадқиқотларида бериб ўтилган. 1954–1971 йилларда Сурхон-Шеробод воҳасида кенг қамровли тадқиқотлар ўтказган Б.Х. Кармышева* томонидан нашр қилинган асар ва илмий мақолаларда⁹ XIX аср охири – XX аср бошларига оид воҳа аҳолиси хўжалиги, хусусан, чорвачилиги ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистон аҳолиси чорвачилиги нисбатан кенгроқ ўрганилган ҳудудларга Зарафшон воҳаси, Хоразм, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсини мисол келтириш мумкин. Жумладан, Л.С. Толстова, О.А. Сухарева, М.А. Бикжанова, М.В. Сазонова, Г.П. Снесарев¹⁰ каби бир

мавжуд эмас.

⁶ Снесарев А.Е. Восточная Бухара (военно-географический очерк). – Спб., 1906; Варыгин М.Н. Опыт описания Кулябского бекства // Известия РГО. Вып. X. – Спб., 1916. – С. 760–800; Губаревич-Радобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – Спб., 1905; Неустров С. Путешествие в Южную Бухару и исследование Шерабадской долины. – Спб., 1915; Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. ЦСУ Туркеспублики, 1922. – Т. 6.

⁷ Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши (тарихий-этнографик очерк). – Т.: Фан, 1987. – Б. 53–82; Традиционное животноводство узбеков Среднего Зарафшана // Этнографическое изучение быта и культуры узбеков. – Т.: Фан, 1972. – С. 53–68.

⁸ Борозна Н.Г. Социалистические преобразования в хозяйстве и быт узбеков-дурменов долины Кафирнигана и Бабатагских гор. – Автореф. дис. кан. ист. наук. – М.: МГУ, 1966. – С. 5–19; Некоторые черты традиционной свадебной обрядности узбеков-дурменов южных районов Таджикистана и Узбекистана // СЭ. – М., 1969. № 2. – С. 83; Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. Вып.1. Историко-этнографический очерк животноводства. – Сталинабад: ТИИАЭ АН ТадССР, 1954. – С.83–118; Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 21–25; О торговле в восточных бекствах Бухарского ханства в начале XX в. в связи с хозяйственной специализацией // Товарно-денежные отношения на Ближнем и Среднем Востоке в эпоху средневековья. – М.: Наука, 1979. – С. 114–134; Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки (историко-этнографический очерк). – Т.: Наука, 1964. – С. 68–79; Отгонное животноводство у узбеков // Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии. – Л.: Наука, 1973. – С. 87–98; Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1975. – С. 188–193; Хидоят И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. Сборник статей. – Т., 1965. – С. 124–133; О характере сельского хозяйства многонациональных районов Сурхандарьинской области в дореволюционное время // СЭ. – 1970. – № 2. – С. 138–139.

* Изох: Олима ушбу йилларда Шаркий Бухорога уюштирилган жами 15 экспедициядан (якка ва жамоа бўлиб) 6 мартасида Сурхон-Шеробод воҳасида тадқиқотлар олиб борган.

⁹ Кармышева Б.Х. Жилище узбеков племени карлук южных районов Узбекистана и Таджикистана // Известия АН Тадж ССР, ООН. Вып. 10–11. 1956; Этнографическая группа “тюрк” в составе узбеков // СЭ, – М., 1960, – № 1. – С. 23–26; К истории формирования населения южных районов Таджикистана и Узбекистана // СЭ. Вып 6. 1964. – С. 10–19; Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – нач. XX в.) // СЭ. – М., 1969. – № 3. – С.44–48.

¹⁰ Толстова Л.С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX – начале XX века. – Нукус, 1963. – С. 38–48; Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селения Айкыран. – Т., 1955. – С. 134–150;

қатор этнограф олимларнинг тадқиқотларида ишнинг муайян бир қисми сифатида аҳоли чорвачилигига оид маълумотлар келтирилган ва биз улардан қиёсий таҳлил учун фойдаландик. Айни пайтда давлат, жамоа хўжаликларидаги чорва моллари тури ва сони ҳақидаги маълумотлар турли статистик ҳужжатларда ҳам келтирилган¹¹.

Мустақиллик йилларида бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ишнинг муайян бир қисми ушбу тадқиқот мавзусига оид бўлган адабиётлар нашр этилди. Улар қаторида А.А. Аширов, О. Бўриев ва Т. Хўжамбердиев, С.Н. Турсунов, Т.Р. Пардаев, Н. Махмадиёрова, Э.О. Қобилов¹² каби тадқиқотчилар бўлиб, уларнинг асарларида Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, Фарғона водийси аҳолисининг анъанавий чорвачилик хўжалиги, у билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар ва расм-русумлар таҳлил қилинган. Улардан ташқари, бу даврда мавзумизга оид бўлган бир қатор илмий мақолалар ва маъруза тезислари ҳам эълон қилинган. Жумладан, А.Р. Қаюмов, М. Жўраев ва М. Пирматова, Э. Қобилов ва Х. Кичкилов, Т.Р. Пардаевлар¹³ томонидан эълон қилинган илмий мақола ва тезисларда Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг анъанавий хўжалик фаолияти, хўжалик-маданий типлар, қўйчилик ва у билан боғлиқ атамалар, йилқичилик билан боғлиқ анъаналар, аҳолининг чорва ҳисоби ва чорвачилик билан боғлиқ айрим маросимлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бундан ташқари, этноиктисодий тизимда анъанавий чорвачиликнинг ўрни ва унинг тарихий-иктисодий асослари, чорвачилик анъаналари ҳақида хорижий тадқиқотчилардан В.В. Радлов, К.П. Калиновская, И.Е. Сеницына, В.С. Потаев, Ю. Колесников, В. Овчинников, С.Ч. Донгак, Б. Энхтувшин, Л.В. Курас, Б.Д. Цыбенков, О.В. Егорова, И.В. Дмитриева, Игауэ Нахо, С.А. Козлова¹⁴ каби олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Сазонова М.В. Традиционное хозяйство узбеков Южного Хорезма. – Л.: Наука, 1978. – С. 54–64; Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – С. 307–330.

¹¹ Экономический справочник Узбекской ССР по районам. – Т., 1937. – С. 34–39.

¹² Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Т., 2007. – Б. 145–158; Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. – Қарши, 2005. – Б. 40–50; Турсунов С.Н., Пардаев Т.Р., Махмадиёрова Н. Сурхондарё – этнографик макон. – Т.: Академнашр, 2012. – Б. 39–46; Қобилов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Т.: Академнашр, 2012. – Б. 176–235.

¹³ Қаюмов А. Шеробод воҳаси аҳолисининг этник таркиби (XIX аср охири – XX аср бошлари) // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1998. – № 3. – Б. 34–39; XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнларнинг баъзи омиллари // Ўзбекистон тарихи. – 2001. – № 4. – Б. 27–30; XIX – XX аср бошларида этник жараёнларнинг баъзи хусусиятлари (Ўзбек халқи этник тарихига оид мулоҳазалар) // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. – Т., 2005. 1-қисм. – Б. 44–52; Жўраев М., Пирматова С. Ўзбекларнинг чорвачилик билан боғлиқ маросимлари ва “чорва ҳисоби” такими // Ўзбекистон тарихи. – 2005. – № 4. – Б. 54–64; Кичкилов Х., Қобилов Э. Сурхон воҳаси қўйчилигида аждодларимиз анъанаси // Жайхун. 2005. – № 3–4. – Б. 46; Қобилов Э. Сурхон воҳаси чорвачилиги атамалари // Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар. Республика илмий-амалий анжумани. – Термиз, 2010. – Б. 33–35; Пардаев Т.Р. От ва у билан боғлиқ анъаналар // Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ва этномаданий ҳаёт. Республика илмий анжумани материаллари. – Термиз, 2015. – Б. 640–642.

¹⁴ Радлов В.В. Из Сибири. – М., 1989; Калиновская К.П. Скотоводы Восточной Африки в XIX – XX в. – М., 1989; Сеницына И.Е. В мире обычая. – М., 1997; Потаев В.С. Историко-экономические основы развития традиционного животноводства монгольских народов: На примере Республики Бурятия и Монголии: Дис. докт. экон. Наук. – Улан-Удэ, 2003; Колесников Ю.С. Этноэкономика в судьбах модернизации юга России // Экономический вестник Ростовского государственного университета. – Ростов – на Дону, 2003. Т. 1. – № 2; Овчинников В.Н. Этноэкономический уклад в теоретических координатах неформальной экономики //

Мавзунинг тарихшунослиги таҳлили шуни кўрсатадики, Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолиси чорвачилик хўжалиги, унинг этнолокал ва этноиктисодий тизимдаги хусусиятлари, ижтимоий аҳамияти, чорвачилик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари, халқ билимлари этнологик жиҳатдан алоҳида тадқиқот объекти ва предмети сифатида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаси ва ОТ-Ф1-109 – “Ўзбекистонда ер-сув муносабатлари (қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси чорвачилик хўжалиги мисолида тарихий-этнологик материаллар ва дала этнографик маълумотлари асосида аҳолининг ушбу хўжалик турини юритишдаги этнолокал хусусиятларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чорвачилик хўжалиги учун асосий табиий озуқа захираси ҳисобланган яйловларнинг ҳолати, Сурхон-Шеробод воҳасида яшовчи асосан чорвачилик билан шуғулланувчи этник ва этнографик гуруҳларнинг этноҳудудий жойлашуви бўйича хўжалик хусусиятлари, чорвадорлар ўтроқлашувининг уларнинг турмуш тарзи ва хўжалигига таъсирини аниқлаш;

чорвачиликнинг этнолокал типлари, унинг этноиктисодий тизимдаги, хусусан, оила иқтисодидаги ўрни ва аҳоли турмуш тарзидаги ижтимоий аҳамиятини аниқ этнографик маълумотлар асосида кўрсатиб бериш ва назарий жиҳатдан таҳлил этиш;

анъанавий чорвачилик тармоқлари, уларни юритишнинг воҳага хос этнолокал хусусиятлари, мулкчилик шакллари ўзгариши шароитида ушбу хўжалик турининг трансформацияси, чорва турларини боқиш, насл олиш, кўпайтириш билан боғлиқ тажрибаларни тўплаш, ўрганиш;

чорвачилик билан боғлиқ кўп асрлик ҳаётий тажрибаларга асосланган халқ билимлари, жумладан, чорвачилик тақвими ҳамда халқ ветеринариясининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш;

чорвачилик билан алоқадор аҳоли урф-одатлари ва маросимларини бошқа ҳудудлар аҳолиси билан қиёсий таққослаш орқали улардаги локал хусусиятларни аниқлаш, бу соҳадаги қадимий диний тасаввурлари ва қарашлари генезисини кўрсатиб бериш;

ўрганилган масалалар юзасидан илмий хулосалар чиқариш ва мазкур

Экономический вестник Ростовского государственного университета. – Ростов – на Дону, 2005. Т. 3. – № 2; Донгак С.Ч. Традиции скотоводства у тувинцев: конец XIX – середина XX в. – Владивосток, 2011; Энхтувшин Б., Курас Л.В., Цыбенев Б.Д. Глобализация и традиционное скотоводство монгольских кочевников // Власть. 2013. Т. 21. – № 10. – С. 11–16.; Традиционное скотоводство монгольских кочевников в условиях глобализации // Вестник Бурятского научного центра Сибирского отделения Российской Академии наук. 2013. – № 4(12). – С. 208–213; Егорова О.В., Дмитриева И.В., Игауэ Нахо. Развитие скотоводства и институт пастушества чувашей в XIX – начале XXI в. // Вестник Чувашского университета. – 2017. - № 4. – С. 85–92; Козлова С.А. Традиционное животноводство старообрядцев (семейских) Забайкалья: динамика и символика // Научный диалог. – 2019. – № 4. – С. 272–286.

мавзунинг келгусида кенг кўламда ўрганилишига доир амалий таклиф ҳамда тавсиялар билдиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикадаги анъанавий хўжалик-маданий хусусиятлар сақланиб қолган ҳудудлардан бири – Сурхон-Шеробод воҳаси олинди.

Тадқиқотнинг предметини Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг анъанавий чорвачилиги ва уни юритишдаги ўзига хос хусусиятларни, этноиктисодий тизимдаги ўрни, чорвачилик билан боғлиқ халқ билимлари, урф-одат ва маросимларини этнологик жиҳатдан ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-маданий ва қиёсий таҳлил, статистик-қиёсий солиштириш, этнографик кузатув, ахборотчилар билан суҳбат, интервью, тавсифийлик ва қисман анкета сўровномаси ўтказиш каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

минтақа хўжалик-маданий типидида ҳудуднинг табиий-географик ва иқлим шароити, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнлар хўжаликлардаги чорва тури, зоти ва таркибига таъсир этувчи муҳим омиллар эканлиги исботланган;

Сурхон-Шеробод воҳасида анъанавий чорвачилик хўжалигини юритиш *яйлов, ҳайдов-яйлов, қўра-ҳайдов-яйлов, оғил-ҳайдов, кўчма* сингари локал типларга бўлинганлиги, уларнинг этноҳудудий жойлашуви, турмуш тарзи (ўтроқ, ярим ўтроқ) ва қайси чорва турини боқишига қараб маълум этник ёки этнографик гуруҳларга мансублиги кўрсатиб берилган;

чорвачилик хўжалиги самарадорлигининг ҳудуд этноиктисодий тизимида, айниқса, қишлоқ аҳолиси оила иқтисоди барқарорлиги ҳамда турмуши фаровонлигида маблағ ва даромад манбаи сифатидаги муҳим ўрни ҳамда ижтимоий роли (истеъмол, хом-ашё манбаи сифатида) асослаб берилган;

аҳолининг чорва молларини даволашда кўп асрлик ҳаётий тажрибалар ва анъанавий усулларга (*ғиёҳлар ёрдамида даволаш, куйдириш, қон олиш, тозалаш* ва ҳ.к.) асосланган халқ ветеринарияси тарихий-этнографик ва дала тадқиқот материаллари асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

анъанавий чорвачилик тармоқларининг воҳага хос локал хусусиятлари, уларнинг аҳоли хўжалигидаги ўрни ва салмоғи ҳамда бунинг ўзига хос сабаблари, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари тарихий-этнографик материаллар асосида очиб берилган;

тарихий-этнографик жиҳатдан тадқиқот предмети сифатида ҳозиргача ўрганилмаган чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ халқ билимлари, чорвани даволашнинг анъанавий усуллари ва “чорва тақвими”га оид қатор янги маълумотлар аниқланган;

Сурхон-Шеробод воҳаси аҳолисининг чорвачилик хўжалигини юритишдаги этнолокал хусусиятларини тарихий-этнологик жиҳатдан тадқиқ этиш орқали чорвачиликка оид бўлган атамалар луғати тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий этнология фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан ва статистик маълумотлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хўжаликнинг оила иқтисодидаги ўрни, халқ ветеринарияси ва “чорва ҳисоби” тақвимини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлири талабалари учун ўзбеклар хўжалик маданияти тарихини ўрганишга бағишланган дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда, қолаверса, республикада кўп асрлик ҳаётий бой тажрибаларга асосланган чорва молларини боқиш, кўпайтириш, насл олиш билан боғлиқ халқ билимлари, усул ва анъаналарини ўрганиш чорвачилик соҳаси самарадорлигини оширишда амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

воҳа аҳолисининг чорвачилик хўжалиги билан боғлиқ урф-одат ва маросимларига оид бўлган маълумотлардан Термиз давлат университетида 2010–2012 йилларда бажарилган И-2010-33 “Сурхондарё – этнографик макон” номли инновацион лойиҳанинг “Сурхон воҳасининг анъанавий хўжалиги” номли бўлимини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 21 майдаги 89-03-2114-сон маълумотномаси). Тадбиқ этилган илмий натижалар аҳолининг хўжалик билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари, уларнинг келиб чиқиши (генезиси) ҳамда аҳоли турмуш тарзи ва хўжалигида тутган ўрнини тарихий-этнологик аспектда ўрганишга хизмат қилган;

Сурхон-Шеробод воҳаси этноиқтисодий тизимида чорвачилик хўжалигининг ўрни, ушбу соҳа самарадорлигининг қишлоқ аҳолиси турмуши фаровонлигидаги аҳамиятига доир илмий натижа ва хулосаларидан Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда “Жануб овози” номли кўрсатув сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2019 йил 31 майдаги 01-01/435-сон маълумотномаси). Тадбиқ этилган илмий хулосалар чорвачилик соҳасининг этноиқтисодий тизимдаги, хусусан, қишлоқларда яшовчи аҳолининг оила иқтисодидаги аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишда манбавий асос бўлиб хизмат қилган;

чорвачилик хўжалигининг аҳоли турмуш тарзидаги ижтимоий-иқтисодий ролига доир илмий хулосалар асосида билдирилган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида чорвачиликни кенг ривожлантиришга мўлжалланган истиқболдаги чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни

ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 17 майдаги 02/17-317-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши қишлоқ аҳолиси чорва молларини боқишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган режаларнинг такомиллашуви имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 13 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та (6 та республика ва 2 та хорижий) мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, ахборотчилар рўйхати, воҳа чорвачилигига оид атамалар луғати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натажаларининг ишончлилиги, апробацияси, натижаларнинг жорий қилиниши, эълон қилинганлиги ва таркибий тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг **“XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси чорвадорлари хўжалик фаолияти тавсифи ва таснифи”** деб номланган биринчи бобида воҳадаги мавсумий яйловлар ва чорвачиликнинг умумий ҳолати, чорвадор аҳолининг табиий-географик шароит ва этнохудудий жойлашув бўйича хўжалик хусусиятлари, чорвачиликнинг этнолокал типлари ва унинг этноиктисодий тизимдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар берилган.

Мазкур бобнинг **“Воҳа чорвадор аҳолисининг табиий-географик шароит ва этнохудудий жойлашуви бўйича хўжалик хусусиятлари”** номли биринчи параграфида воҳанинг табиий-географик шароити (яйловлари) ва этнохудудий жойлашуви бўйича чорвадор аҳоли хўжалигидаги ўзига хос хусусиятлар таҳлил этилган.

Асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида чорвачилик соҳаси муҳим ўрин тутиб келган. Худуднинг табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг хўжалик фаолияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Сурхон-Шеробод воҳасининг мўътадил иқлими, баҳор фасли эрта келиши, ёз фасли узоқ давом этиб, қишнинг илиқроқ бўлиши, худуднинг дашт, тоғолди ва тоғли туманларида бой мавсумий яйловларнинг мавжудлиги қадимдан анъанавий хўжалик тармоқларидан бири бўлган ихтисослашган

чорвачиликнинг кенг ривожланишига имкон берган. Чорвачиликнинг воҳада етакчилик ролини сақлаб қолишига қўй-эчкиларни тоғ ва адир яйловларида боқишга мослашганлиги ҳам асос бўлган¹⁵.

Воҳанинг ўзига хос иқлими ва ерининг устки тузилиши худудда Ўзбекистондаги барча яйлов турлари (дашт (чўл), адир, тоғ ва яйлов) бўлишини таъминлаган¹⁶. Ўзбекистоннинг жанубий худудларида яйловлар табиий хусусиятлари ва улардан фойдаланиш жиҳатига кўра, 3 гуруҳга бўлинган: 1) тоғолди ва адирлардаги кузги-қишки-баҳорги яйловлар; 2) ўрта тоғ худудларидаги ўтиш яйловлари; 3) баланд тоғ минтақаларидаги ёзги яйловлар¹⁷. Совет даврида “пахта яккаҳокимлиги” сиёсати туфайли воҳада бошланган кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилиши натижасида ундаги яйловлар майдони, айниқса, чўл яйловлари кескин қисқариб кетди. Унумдорлиги паст ва таназзулга учраган яйловларнинг 1991 йилдан бошлаб давлат захираси ва ўрмон фондига ўтказилиши ҳисобига улар яна 40 фоизга қисқарди¹⁸. Бундан ташқари, яйловлардан фойдаланиш қоидалари бузилиши (шахсий қарамоғдаги молларнинг узлуксиз боқилиши, яйловларни алмаштиришга барҳам берилгани, улардан тизимли фойдаланишга риоя қилмаслик) туфайли яйловлар унумдорлигининг пасайиши ва яроқсиз ҳолатга келиб қолишига сабаб бўлди.

Воҳада XX аср бошларида чорвачилик билан асосан *қўнғирот*, *турк*, *қарлуқ*, *қатагон*, *қорақалпоқ*, *дўрмон*, *лақай* каби ярим ўтроқ турмуш тарзини сақлаб қолган, қабила ва уруғларга бўлинган этнографик гуруҳлар, *Ўрта Осиё араблари*, *тожиклар*, *туркманлар* шуғулланган¹⁹. Кейинчалик мунтазам ўтроқлашуви туфайли улар аралаш хўжалик юритиш тарзига ўтган бўлсалар-да, аксарияти (жумладан, ўзбек қўнғиротлари) хўжалик фаолиятида чорвачилик устун бўлиб қолаверган. Таъкидлаш жоизки, асосий фаолият тури сифатида деҳқончилик билан шуғулланишга ўтган аҳоли учун ҳам ушбу хўжалик тури ўз аҳамиятини йўқотмаган. Сабаби, чорвачилик аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ишчи ҳайвонлар билан таъминлашдан ташқари, уй ҳунармандчилиги турлари (кигизбосиш, гиламчилик, кўнчилик) учун асосий хом ашё (жун, тери) вазифасини ҳам ўтаган.

Хўжаликлардаги чорва тури ва таркиби нафақат табиий-географик шароитга ва яйлов турларига, шунингдек уларнинг ижтимоий аҳволига ҳам боғлиқ бўлган. Масалан, бой чорвадорлар хўжалигида кўпроқ қўй ва отлар, зироаткор аҳолида кўпроқ иш ҳўкизлари ва сигирлар, камбағал хўжаликларда эса кўпроқ эчки боқилган. Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахсий ва бошқа хўжаликларда чорва моллари сонининг кўп бўлишига доимо

¹⁵ Кияткин Ф. Курдючное овцеводство в Узбекистане. – Т.: Фан, 1952. – С. 7.

¹⁶ Сурхан-Шерабадская долина // Сборник научных трудов ТашГУ. – Т., 1964. – С. 140.

¹⁷ Морозов О.И. Пастбища и их использование // Сб. “Советский Таджикистан”. – Стал., 1950. – С. 38.

¹⁸ Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истиқболлари. – Т.: Насаф, 2010. – Б. 15.

¹⁹ Қаранг: Хидоятлов И. К вопросу о формировании населения южных районов Узбекистана // Из истории культуры народов Узбекистана. Сб. статей., – Т.: Наука, 1965. – С. 124–133; Қаюмов А. XIX аср охири – XX аср бошларида Сурхон-Шеробод водийсидаги этник жараёнларнинг баъзи омиллари // Ўзбекистон тарихи. – 2001. – № 4. – Б. 28.

қуйидаги 3 та омил тўсқинлик қилган: 1) яйлов (ўтлоқ) майдонларининг танқислиги, 2) озуқанинг етишмаслиги, 3) қўшимча маблағнинг йўқлиги.

Воҳа чорвадорлари ўзлари яшайдиган ҳудуднинг табиий имкониятларига мос чорва турларини боқишга ихтисослашган бўлиб, қўнғиротлар қўйчилик ва туячиликка, қарлуқлар, турклар, араблар, туркманлар ва қорақалпоқлар қўйчиликка, лақайлар йилқиччилик ва қўйчиликка, дўрмонлар қўйчилик ва қорамолчиликка, катағонлар, юзлар йирик шохли қорамолчиликка, тоғли тожиклар эса эчкичиликка, қолган аҳоли гуруҳлари эса чорвани аралаш ҳолда сақлаш ва боқишга ихтисослашган эди²⁰. Воҳанинг шимолий қисмида яшовчи қўнғиротлар отарларида ҳисори қўйлар, жанубида яшовчилар отарларида эса жайдари қўй зотлари етакчи ўрин тутган. Воҳада яшовчи чорвадорлардан туячилик билан фақат қўнғиротлар шуғулланганлар²¹. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида яшовчи қарлуқлар асосан қорақўл қўйларини, воҳа қарлуқлари эса ҳисори қўйларни боқишган²². Ички миграциялар туфайли чорвадор аҳолининг ўтроқ аҳоли билан аралаш ҳолда яшай бошлаши улар хўжалигидаги чорва таркиби ва турига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

XX аср биринчи ярмида воҳадаги асосий этномаданий жараёнлар – ўзаро маданий таъсир, ўтроқ ва чорвадор аҳолининг яқинлашуви ва қисман ассимиляцияси жараёни кучайиб борган. Воҳадаги ярим ўтроқ ўзбеклар ва турклар зич бўлиб яшайдиган жойларда ўтроқлашув ва уруғ-қабилачилик анъаналарининг йўқолиб бориши жараёни аста-секин давом этган. Қўнғирот, қарлуқ, лақай ва дўрмон каби ўзбек қабилаларида зироатчилик ҳам кенг тарқалганлигига қарамай, ўтган асрнинг 30-йилларига қадар ярим ўтроқ ҳаёт тарзи ва уруғ-қабилачилик тизими унсурлари сақланиб қолган²³.

Шундай қилиб, Сурхон-Шеробод воҳасида ўтган аср давомида турли ижтимоий-сиёсий омиллар туфайли чорва молларининг асосий табиий озуқа захираси ҳисобланган яйловлар майдони қисқариб борган ва энг ачинарлиси, яроқсиз ҳолатга келиб қолган яйловлар салмоғи ҳам ошиб борган. Этноҳудудий жойлашув бўйича ўзлари яшайдиган ҳудуднинг табиий имкониятларига мос чорва турини боқишга ихтисослашган чорвадор аҳолининг кейинчалик янги ўзлаштирилган суғориладиган ҳудудларга кўчирилиши ҳамда воҳадаги бошқа этник ва этнографик гуруҳлар билан аралаш ҳолда яшай бошлаши туфайли уларнинг хўжалигида чорва турларининг кўпайиши ҳамда аралаш хўжалик юритишга ўтилишини кузатамиз. Шунга қарамай, айрим этник ва этнографик гуруҳ вакиллари хўжалигида чорвачиликнинг устунлиги ва турмуш тарзида чорвадорлар маданияти унсурларининг сақланиб қолганини кўраамиз.

²⁰ Кармышева Б.Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана // СЭ. – 1964. – № 6. – С. 126.

²¹ Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX – начало XX века) // Советская этнография. – 1969. – № 3. – С. 48.

²² Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. – С. 68.

²³ Кармышева Б.Х. К истории формирования населения южных районов Узбекистана и Таджикистана. – С. 100.

Биринчи бобнинг “Чорвачиликнинг этнолокал типлари ва унинг этноиктисодий тизимдаги ўрни” деб номланган иккинчи параграфиди воҳада чорвачиликнинг умумий аҳволи, уни юритишнинг этнолокал типлари, этноиктисодий тизимдаги, хусусан, оила иқтисодидаги ўрни тадқиқ ва таҳлил қилинган.

XX аср бошларида воҳада чорвачиликнинг қуйидаги типлари мавжуд бўлган - 1) *яйлов*; 2) *ҳайдов-яйлов*; 3) *қўра-ҳайдов*; 4) *кўчма*²⁴. Ўтроқ аҳолида чорва боқишнинг қўра-яйлов ва кейинчалик қўра (оғил) тизими, ярим ўтроқ аҳолида ҳайдов-яйлов ва яйлов тизими, кўчманчи аҳолида эса яйлов ва кўчма чорвачилик тизими етакчилик қилган. Чорвачиликнинг кўчма типи воҳада фақат ярим дашт ҳудудларида яшовчи (асосан Шерободдарёнинг ўрта оқими ҳавзасида) ўзбек қўнғиротларида тарқалган эди²⁵. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида воҳа қишлоқларидаги шахсий хўжаликлар учун чорвачиликнинг қўра (оғил)-ҳайдов ва шаҳар, унинг атрофларида эса қўра (оғил) типи чорва молларини боқишнинг кенг тарқалган шакли бўлиб қолади.

Совет давригача воҳада чорва моллари фақат озиқ-овқат маҳсулотлари учун боқилмасдан, ҳудуднинг ички ва ташқи савдосида ҳам муҳим товар ҳисобланган²⁶. Чорва моллари аҳолининг эҳтиёжини тўла қондирганлиги боис, ортиқчаси амирликнинг турли ҳудудларига, жумладан, қўй-эчкилар Қарши ва Ғузор бозорларига, туя ва отлар эса Қарши, Карки, Калиф бозорларига олиб бориб сотилган²⁷. Чорвачилик воҳа шимолий ва жанубий ҳудудлари этноиктисодий тизимида деярли бир хил ўрин тутсада, маҳаллий табиий шароит ва чорва турига қараб фарқланган.

Совет даврида воҳанинг шимолий туманларида кўпроқ сут ва гўшт, жанубий туманларда эса биринчи навбатда қоракўл териси, жун ва тери тайёрланган. Шунинг учун шимолий туманларда қўйчиликдаги асосий даромад қўй гўшти ва терисидан, жанубий туманларда эса қоракўл териси ва чармдан олинган. Қорамолчиликдан асосий даромад шимолий туманларда гўшт ва теридан, жанубий туманларда эса биринчи навбатда сутдан, сўнгра гўшт ва теридан олинган²⁸. Бу даврда хусусий мулкчиликнинг тугатилиши воҳа чорвачилигида қатор салбий оқибатларга олиб келди. Хусусий мулкни жамоа мулкига айлантириш асрлар давомида шаклланган анъанавий хўжалик тартиб-қоидалари тизимини издан чиқаради. Мустақиллик йилларида хусусий мулкчилик дахлсизлиги, бозор иқтисодиётининг жорий этилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий, хўжалик-маданий ҳаётида муҳим ўзгаришлар рўй бера бошлади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикадаги жами қорамолнинг 70 фоизи, қўй ва эчкиларнинг ярми шахсий хўжаликларда

²⁴ Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана. – С. 45.

²⁵ Кармышева Б.Х. Кўрсатилган асар. – Б. 47–48.

²⁶ ЎзРМДА, ИЗ-фонд, 1-рўйхат, 398-иш, 120-варақ.

²⁷ Кап. Васильев. Статистические материалы для описания Бухары. Бекства Шерабадское и части Байсунского // Сборник геог. топог. и статис. материалов по Азии. Вып. 57. – Спб., 1894. – С. 400.

²⁸ Рўзиев А. Сурхон-Шеробод қишлоқ хўжалиги. – Т.: Ўзбекистон, 1967. – Б. 52.

боқилган²⁹. Чорвачиликнинг асосий маҳсулоти – сут ва гўшт тайёрлашнинг ўсиши жамиятни юксалтириш учун муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Негаки, бу маҳсулотлар асосий озиқ-овқатлар гуруҳига киради ва қишлоқ аҳолиси даромадининг муҳим манбаи ҳисобланади. Сўнгги йилларда чорва молларини боқиш ва чорва маҳсулотларини тайёрлаш воҳа қишлоқларида яшовчи аҳоли учун муҳим даромад манбаига айланди.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ҳудудининг турли табиий-географик минтақаларида асрлар давомида чорвачилик хўжалигининг ўзига хос этнолокал типлари шаклланган ва анъанавий чорвачилик хўжалиги хусусиятлари мана шу локал типлар асосида пайдо бўлган. Сурхон-Шеробод воҳасида табиий-географик муҳитга қараб ўтроқ ва ярим ўтроқ аҳолида чорвачилик хўжалигини юритиш шакли турлича бўлганлиги кузатилиб, унинг воҳа этноиқтисодий тизимидаги, хусусан, оила иқтисодидаги ўрни жуда муҳим бўлганлиги аниқланди.

Диссертациянинг “**Анъанавий чорвачилик тармоқлари ва уларнинг воҳага хос хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобда воҳада чорвачилик тармоқларини юритишдаги локал хусусиятлар, чорва молларини боқиш, кўпайтириш, насл олиш борасидаги анъаналар, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ушбу хўжалик тармоқларига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг “*Воҳада анъанавий қўйчилик: этник ва минтақавий омиллар*” деб номланган биринчи параграфида воҳада қўйчиликни юритишнинг тоғли, тоғолди ва дашт ҳудудлари бўйича ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Сурхон-Шеробод воҳаси тоғ яйловларида қўйларни боқиш учун ўт-ўланлар ва ўсимликларнинг кўплаб хиллари бўлганки, улар воҳада қўйчиликни ривожлантиришнинг асосий омиллардан ҳисобланган. Қолаверса, воҳа аҳолисининг катта қисми, асосан, қўй гўштини истеъмол қилиши³⁰, бундан ташқари аҳолида тирик қўйга нисбатан доимий равишда эҳтиёж бўлганлиги (қалин таркибида, тўёна сифатида ва бошқа оилавий тадбир ҳамда маросимларда) қўйчиликнинг чорвачилик хўжалигида устунлигини ҳам таъминлаган. Агар воҳа қўйчилигида ўтган асрнинг 50–йилларига қадар отарнинг катта қисмини гўшт-ёғи учун боқилган думбали қўйлар ташкил этган бўлса, 60–йиллардан бошлаб қоракўлчилик қўйчиликдаги етакчи тармоққа айланди. Қоракўлчилик воҳанинг жанубий (Шеробод, Термиз, Ангор, Жарқўрғон) туманларида ривожланган бўлиб, ўтган аср иккинчи ярмидан бошлаб қўйчиликнинг гўшт-ёғ ва гўшт-теричилик йўналишининг жами қўйчиликдаги ҳиссаси камайиб борган³¹.

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 220.

³⁰ Кекса ахборотчиларнинг айтишича, Бойсун туманидаги Мачай қишлоғида XX аср 60-йилларигача қорамол гўшти умуман истеъмол қилинмаган. Дала ёзувлари. Бойсун тумани Мачай қишлоғи. 2010 йил.

³¹ Кичкилов Х., Қобилов Э. Сурхон воҳаси қўйчилигида аждодларимиз анъанаси. – Б. 41. Бунга 60-йилларнинг бошида Совет ҳукуматининг шахсий хўжаликлардаги чорва моллар сонини камайитириш (1та сигир бузоғи билан 5 тагача қўй-эчки) бўйича қарори ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатган.

Воҳа шимолидаги тоғолди ҳудудларида (Боботоғ адирлари ва Сурхондарё водийларининг лалми ерларида – Денов ва Бойсун туманлари), асосан, кўп ёғ ва гўшт берадиган *ҳисори* қўйлари (ҳозиргача воҳа аҳолиси ҳисори қўйни қорақўй деб атайти) боқилган бўлса, чўл зоналарида ва жанубий ҳудудларда қўйларнинг бошқа зотлари – *қозоқи қорақўй* (ислиқи қўй), *галжаки* (Афғонистон ҳудудидан ўтган), *араби* (чибаланг, қорақўл), *кўрғўза* (қозоқи ва чибалангдан урчиган), *саржипаранг* (Саржибой томонидан яратилган) ва *оқгарди* каби зотлари боқилган³². Маҳаллий шароитга ёки яйловнинг текисликда ёки адирдалигига, озуқа ўтлар, сув билан таъминланганлигига қараб қўйларнинг сони ҳар бир отарда (сурув) турлича бўлган. Масалан, тоғ ёнбағри ва тоғларда боқиладиган сурувда қўйлар нисбатан кам (500–600 тагача), чўл яйловлардаги сурувда эса қўйлар сони кўпроқ бўлган (600–1000 тагача).

Қўйчиликнинг ривожланиши натижасида нафақат чорвадорлар, балки қассоблар, даллоллар ҳам яхши даромад олганлар. Воҳада мавжуд бўлган минтақа шароитига мос бир неча қўй зотларини боқиш тизими локал хусусиятлари билан ажралиб турган. Масалан, қўйларни чўл-дашт ҳудудларида боқиш нисбатан осонроқ бўлган. Яйлов танлаш, қўйларни тунлари боқиш, сувга, тузга зориқтирмаслик, вақтида дам бериш, қари қўйлар сонини камайтириш, бир ёшгача бўлган қўйларни яйловга ҳайдамаслик, наслдор кўчқорлар ва айрим қўйларни алоҳида боқиш чўпоннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланган³³. Чўпонлар яйловда қўй боқишнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган тажриба ва анъаналарига риоя қилиб, қўйларни меъёрида озиклантиришган. Отар дастлаб бир томондан ҳайдалиб, кейин иккинчи томондан қайтариб келинган. Ҳар бир сурув учун махсус белгиланган жой бўлгани учун яйловнинг ҳар бир қариш ери чўпон назоратида бўлиб, отар бир жойда тинимсиз боқилмаган. Қўйларни ҳайдаш, боқиш ва кўриқлашда итлар ва сарка ёрдамидан фойдаланишган. Қорақўлчиликда совлиқлар қўзилай бошлаши биланоқ туғмаган қўйлар ажратиб олиниб алоҳида боқилган. Ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши совуқ билан иссиқ, қор билан ёмғир алмашиб турганда қўйларни боқиш тартибини шароитга мослаб ўзгартириб туришга тўғри келган³⁴.

Чўпонлар кўчқор танлашга катта аҳамият берганлар: ҳар 2 йилда кўчқорлар алмаштириб турилган. Тўл олиш табиий қулай жойларда – қирнинг панасида, тоғ даралари ва ёнбағирларида, қирларга яқин камарларда амалга оширилган бўлса, текисликда эса чўпонлар тўл олиш пайтида қўйларни қишлоқ яқинига ҳайдаб келиб, вақтинчалик кўтонда (тўл кўтон) сақлашган³⁵.

Шундай қилиб, воҳа чорвадорлари, хусусан, чўпонлар томонидан қўйчилик соҳасини ривожлантиришдаги кўп асрлик халқ анъанавий тажрибасига таянган ҳолда ҳудудда боқилган қўйларнинг наслини ва

³² Кичкилов Х., Қобилов Э. Кўрсатилган асар. – Б. 42.

³³ Дала ёзувлари. Денов тумани Жартепа маҳалласи. 2010 йил.

³⁴ Дала ёзувлари. Жарқўрғон тумани Исмоилтепа қишлоғи. 2007 йил.

³⁵ Дала ёзувлари. Шеробод тумани Хўжаулкан қишлоғи. 2007 йил.

маҳсулдорлигини ошириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилган. Бу борада воҳада боқилган бир қатор кўйлар наслининг айнан шу ҳудуд билан боғлиқлиги, айниқса, муҳимдир. Асрлар давомида кўйчиликни юритиш борасидаги анъаналар тўпланиб, ўзига хос қоидалар шаклланган ва чўпонлар уларга қатъий риоя қилиб келишган. Чўпонлик ўта машаққатли касб ҳисобланган ва кишидан ушбу соҳада етарли билим ва тажрибага эга бўлиш, кўйларни яйловларда боқиш, насл олиш, кўпайтириш борасидаги анъаналарни билиш ва уларга риоя қилиши талаб этилган.

Иккинчи бобнинг *“Қорамолчилик ва йилқиччиликнинг локал жиҳатлари”* деб номланган иккинчи параграфида қорамолчилик ва йилқиччиликни юритишнинг воҳага хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Дастлаб ўтроқ аҳоли хўжалигида йирик шохли қорамол боқилган. Воҳа кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлари тўлиқ ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлаганларидан сўнггина (ўтган аср 30–40 йиллари) улар томонидан қорамолчиликка ҳам эътибор кучая бошлайди. Қорамол, энг аввало, турмуш эҳтиёжлари учун зарур бўлган сути учун боқилиб, ундан ёғ ва қатиқ олинган. Илгари воҳадаги кўпчилик хўжаликларда қорамол гўшт учун боқилмаган.

XX аср биринчи ярмида воҳада боқилган сигир ва хўкизларнинг аксарияти жайдари зотли (каммаҳсулли ва жуссаси кичик) бўлиб, кейинчалик зотдор қорамоллар боқа бошлашган. Воҳада қорамол ўрнини тўлдиришнинг ўзига хос йўналиши икки мавсумга бўлинган: баҳорда сотиб олинган қорамолни кузда сотишган ва ўрнига озғин, арзон қорамол сотиб олинган. Бу мол баҳоргача боқилиб, кейин бозорга чиқариб сотилган³⁶. Шахсий хўжаликларда молхоналар қуришда асосан лой, бўйра, қамиш ва ёғочдан, кейинчалик эса хом ғишт, ёғоч, шифердан фойдаланилган.

Воҳадаги деҳқонларнинг шахсий хўжаликларида ўтган асрнинг 30-йилларига қадар хўкиздан омовча, аравага қўшиш учун фойдаланилган. Хўжаликларда хўкизларни боқиш кўйчилик сингари товар хусусиятига эга бўлган. Адабиётларда қайд этилишича, хўкизлар 15–16 йилгача иш берган³⁷. Айрим хўжаликларда насл олиш учун буқалар ҳам боқилган. Воҳадаги қишлоқ аҳолиси ўз қорамолларини махсус подабон ёллаган ҳолда то ерда ўт-ўлан қолмагунча қишлоққа яқин ўтлоқларда, ариқ ёқаларида, тўқайларда, зовур бўйларида боқишган.

Республикада 1970 йиллардан бошлаб пахта яккаҳоқимлигининг тобора кучайиб бориши туфайли шахсий хўжаликларда давлат ва жамоа хўжаликларига нисбатан қорамоллар сони кўпроқ бўлишига олиб келади. Сабаби давлат ва жамоа хўжаликлари шахсий хўжаликларни зотли чорва моллари ва озуқа билан таъминлаган, шунингдек, ўзларига тегишли яйловлардан фойдаланиш имконини берган. Шахсий хўжаликлар эса бунинг эвазига колхоз ва совхозларга давлатга режа мажбуриятлари ҳисобидан топшириши керак бўлган чорвачилик маҳсулотларини етказиб беришган³⁸.

³⁶ Современный кишлак Средней Азии (социально-экономический очерк). Вып. 3. – Т., 1926. – С. 54.

³⁷ Ўша жойда. – Б. 55.

³⁸ Ўзбекистонда чорвачилик: бугунги ҳолат, муаммолар ва тараққиёт истикболлари. – Б. 29-30.

Шу тариқа воҳа хўжаликларидида чорванинг юқори маҳсулдорлигига, асосан, шахсий хўжаликлар ёрдамида эришилган.

Мустақиллик йилларида шахсий хўжаликларда қорамолларнинг нафақат сонига, балки наслига ҳам алоҳида эътибор берилди бошланди. Сабаби қишлоқларда яшовчи кўпчилик аҳоли учун чорвачиликнинг ушбу тармоғи фақат озиқ-овқат эмас, балки асосий даромад манбаига ҳам айланди. Хўжаликларда бўрдоқига буқа боқиш ва соғин сигирлар сонини кўпайтириш аҳолига йилдан-йилга кўп даромад келтира бошлади.

